

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ МОҲИЯТИ, ЗАРУРЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ

*Алимов Бабур Каҳрамон ўғли
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби талабаси*

Аннотация

Ушбу илмий иш инвестетсияларни лойихалаш ва бошқаришнинг моҳияти, зарурлиги каби малумотларни ёритиб берган.

Калиът сузлар: иқтисодиёт, механизмларини оптималлаштириш, инвестиция лойиҳалар, инвестициялар улуши, инвестор

Ўзбекистон иқтисодиётини жадал суръатларда ривожланиб бориша даврида инвестициялар оқимини кўпайтиришда тарақкий этган, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидан тажриба алмашиш жуда зарур. Ушбу мамлакатларда инвестициялар оқимининг қўпаётганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Уларнинг иқтисодиётига киритилаётган тўғридан-тўғри инвестициялар улуши тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Ўз навбатида, инвестициялар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ кўплаб муаммолар мавжудлиги инвестиция лойиҳаларини бошқаришни такомиллаштириш зарурлигини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон амалиётида хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни иқтисодиётнинг юқори технологияли тармоқларига жойлаштириш механизмларини оптималлаштириш, инвестиция лойиҳалари учун миллий инвестиция муҳитининг жозибадорлигини ошириш ва инвестисия фаолиятини молиявий бошқаришнинг изчиллигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ш.М.Мирзиёев “Иқтисодиётимизга сармоя киритмоқчи бўлган сармоядорлар учун инвестиция лойиҳаларини худудлар ва тармоқлар бўйича пухта ишлаб чиқа олсан, бу борада яхши натижага эришиш мумкин”¹, деб таъкидлади.

2022 йил 12 январь куни Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Стратегик ривожланиш агентлиги фаолияти муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказилди. Бунда “Мамлакатимиздаги барқарорлик ва қулай инвестиция муҳити натижасида ташқи иқтисодий алоқалар изчил ривожланмоқда. 2021 йилда жами 10 миллиард доллардан ортиқ, жумладан, 8 миллиард 100 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилган. Бунинг натижасида 318 та йирик ва 15

мингдан зиёд ҳудудий лойиҳалар амалга оширилиб, 273 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган. Янги корхоналар жами 1 миллиард доллардан зиёд экспорт ва 530 миллион долларлик импорт ўрнини тўлдириш имкониятига эга.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир инвестиция лойиҳасини доимий назоратга олиб, ташаббускорларга қўмаклашиш ва ўз вақтида ишга тушириш бўйича топшириқлар берди. Туризм, тибиёт ва машинасозлик тармоқлари, ҳудудлардан Қорақалпогистон Республикаси, Навоий ва Хоразм вилоятларида хорижий инвестицияларни жалб қилиш даражаси пастлиги кўрсатиб ўтилди. Шу боис улар бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқиб, қўшимча сармоялар йўналтириш вазифаси қўйилди.

Президентимиз ишлаб чиқаришни ва саноат кооперациясини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Маҳаллий маҳсулотлар турини кўпайтириш, бу борада тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича топшириқлар берилди. Жумладан, юртимизда ишлаб чиқарилмайдиган товарларни ўзлаштирган маҳаллий корхоналар маҳсулотлари кафолатли харид қилинади. Бу жараёнга ҳоким ёрдамчиларини ҳам жалб этиш мухимлиги айтилди.”²

Ҳар қандай корхона ўз фаолиятини бошлиши, кенгайтириши, янгилаши учун инвестицияларга эҳтиёж сезади. Инвестициялар турли мулк шаклидаги корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш, миллий иқтисодиётни модернизатсиялаш, уни таркибий ўзгартириш, барқарор ўсишини ва рақобатбардошлигини таъминлаш, халқаро интегратсиясини фаоллаштиришнинг бош омили ҳисобланади. Шу жиҳатдан унга бўлган талаб ортса ортадики, бироқ, асло камаймайди. Буни қуйидаги 1.1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

1.1-жадвал маълумотларига кўра, жами жалб қилинаётган хорижий инвестицияларда Давлат кафолати остида жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ва кредитларга нисбатан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар микдори ортиб борганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, 2017 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар жами хорижий инвестицияларнинг 76%ни ташкил этган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 83,4%ни ташкил этмоқда. Хорижий инвестицияларнинг асосий капиталга қилинган инвестициядаги улуши 2017 йилда 26,8%ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 42,6%ни ташкил этган. Бу кўрсаткичларнинг ижобий ўзгариши хорижий инвесторларга берилаётган иқтисодий имтиёзлар ва яратилаётган ҳуқуқий шарт-шароитлар ҳамда хорижий инвестициялар учун қулай инвестиция муҳити шакланаётганидан дарак беради.

1.1-жадвал

Ўзбекистонда иқтисодиётга жалб этилган инвестициялар динамикаси³
(млрд. сўмда)

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2017	2018	2019	2020	2021
Ялпи ички маҳсулот	249136,4	407514,5	511838,1	580200,0	734587,7
Асосий капиталда инвестиция	60719,2	124695,0	189900,0	202000,1	245000
Хорижий инвестициялар	16309,0	30729,6	85377,2	86647,0	104 457,3
Шу жумладан:					
Давлат кафолати остида хорижий инвестиция ва кредитлар	3913,8	16689,6	27 873,2	22 467,1	17318,3
Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	12395,2	14040,0	57 564,0	64 179,9	87139

Инвестиция бу тарихий тушунча, чунки у тарихда бўлиб келган. Инсоният ўз эҳтиёжларини қондириш учун қодимдан уй-жой қилишга, бошқа моддий неъматларни яратишга олдин у-бу шаклда харажат қилиб келганлар. Шу харажатлар моҳияти жиҳатидан инвестиция бўлиб ҳисобланади. Инвестицияга ортиқча маблағни, мулкни қўйиш инсонларнинг эҳтиёжи ошиб борган сари, техник имкониятлар туғилган сари жадаллашиб, ҳажми жиҳатидан кўпайиб ва кенгайиб бормоқда.

Инвестициянинг нималигини билиш учун инвестор (мулкдор) тадбиркор, жамият ва давлат тушунчаларини қўз олдимизга келтиришимиз лозим. Мулкдор ҳамиша тадбиркор. Тадбиркор ҳамиша мулкдор бўлавермайди. Мулкдорнинг мулки бўла туриб у ўз мулкини тадбиркорлик йўлида ишлатолмасдан юриши мумкин. Ёки тадбиркор ўзининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун унинг мулки бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли инвестор ўзининг ортиқча маблағини фойда (двидент, фоиз) олиши учун тадбиркор фаолиятига инвестиция қилиб қўяди. Худди шу мақсадда тадбиркор ҳам ўзининг тадбиркорлик фаолиятини давом эттиради. Булар ўртасидаги иқтисодий ва ҳукукий муносабатларнинг негизида инвестиция ётади.

Мамлакатимиз олимлари томонидан келтирилган таърифга кўра “Инвестиция деганда мулкдорнинг (инвесторнинг) пул маблағи, қимматбаҳо

қоғозлари, техникаси ва технологияси, машина ва жиҳозларини, мулкка эгалик хуқуқи, интеллектуал мулки кабиларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан фойда олиш мақсадида тадбиркор фаолиятига қўйиш тушунилади.”⁴

Демак, инвестиция мулқдорнинг пул, меҳнат, моддий неъмат шаклидаги ортиқча маблағи экан. Кўпгина иқтисодий адабиётларда, таъкидланганидек, инвестиция билан капитал сармояни (қўйилмани) фарқламасдан ишлатиш ҳоллари тез учраб турмоқда. Бу ҳолатни оммавий ахборот воситаларида ҳам учратиш мумкин. Ҳақиқатда эса капитал қўйилмалар билан инвестиция бир-биридан фарқ қиласди.

Даромад келтирувчи инвестициянинг эгаси хўжалик юритувчи жисмоний ва хуқуқий шахслар, мулқорлар бўлса, даромад келтирмайдиган инвестицияни одатда давлат қўяди. Бунда ўз аҳолисига тегишли ижтимоий-иктисодий шароит яратиб берилиши, меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан таъминланиши каби тадбирлар кўзда тутилади. Зеро, ҳар бир давлатнинг ўз аҳолисини ҳимоялашга мўлжалланган социал дастури мавжуд.

Кўриниб турибдики, инвестиция даромад (фойда) келтириши нуқтаи назаридан икки гурухга бўлинар экан: фойда келтирувчи инвестиция ва фойда келтирмайдиган инвестиция.

Инвестиция, масалани қайси даражада ҳал қилишига қараб ҳам икки гурухга бўлинади: микроиктисодиёт инвестицияси ҳамда макроиктисодиёт инвестицияси. Микроиктисодиёт инвестицияси орқали бевосита иқтисодиётнинг кую буғинидаги, яъни корхона даражасидаги муаммоларни ҳал қиласди. Макроиктисодиёт инвестициясида эса бутун иқтисодиёт, унинг юқорги даражасидаги муаммолар ҳал қилинади.

“Инвестициялар миллий иқтисодиётда яратилган миллий бойликнинг таркибий қисми ҳисобланади ва истеъмолдан ортган даромадларнинг жамгарилиши натижасида қайта даромад топиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятига жалб этиладиган манба ҳисобланади”⁵. Бироқ, у чекланган бўлганлиги сабабли ундан самарали фойдаланишда инвестицияларнинг даромадлилиги, тез қопланувчанлиги, самарадорлигини таъминлашга бўлган эътиборни кучайтиради.

Инвестицияларнинг самарадорлигини таъминлашнинг турли йўллари мавжуд. Жумладан, инвестиция лойиҳасининг пухта ишлаб чиқилишини таъминлаш, инвестициялар самарадорлигини баҳолаш, ризк даражасини пасайтириш чораларини кўриш, давлат томонидан тақдим этилган турли

⁵ Инвестиции и инвестиционная деятельность организаций: учебное пособие / Т.К.Руткаускас [и др.]; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. Т.К.Руткаускас. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2019. – С. 89-95.

молиявий имтиёзларга эга бўлиш, маҳсулот таннархини имкон қадар пасайтирган ҳолда унинг сифатини йўқотмаслик, маҳсулотни экспортга чиқариш, имтиёзли кредитлардан, суғурта механизмидан фойдаланиш кабиларни келтириш мумкин.

Бироқ, “инвестициялар аниқ обектга йўналтирилиши сабабли мазкур обектнинг нечоғлик инвестициялашдан кўзланган мақсадни таъминлай олишини олдиндан билиш ҳамда амалга оширилган инвестицияларнинг тўғри ва мақсадли сарфини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади”⁶. Бу эса инвестициялар самарадорлигини, инвесторнинг фойда олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадини таъминлайдиган инвестиция лойиҳаларини бошқаришга бўлган заруриятни келтириб чиқаради.

Бошқариш (иктисодиётда) – хўжалик обектининг иқтисодий тизими ҳолатини тартибга солиш ва йўналтириш жараёни; субъектлар, идоралар томонидан кишилар ва иқтисодий обектларга онгли мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатишни билдиради, уларнинг фаолиятини йўналтириш ва кўзланган натижаларга эришиш мақсадларида амалга оширилади. “Бошқариш усуслари бошқариладиган обектнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ, лекин ҳамиша бошқарув қарори татбиқ этиладиган даврни ажратиб олишни назарда тутади”⁷. Бошқаришнинг иқтисодий, маъмурий ва ижтимоий-руҳий усуслари мавжуд. Бошқаришнинг иқтисодий усулида кутилган мақсадларга эришиш учун иқтисодий воситалардан фойдаланилади. Бу воситалар “режалаштириш, техник-иктисодий таҳлил, фойда, рентабеллик, нарх, кредит, моддий рафбатлантириш, солик ва бошқа дастаклардан тўғри фойдаланиш муҳим ўрин тутади”⁸.

Амалиётда, аксарият ҳолларда, тадбиркорлар “инвестиция лойиҳаси” тушунчасининг туб моҳиятини билишда янглишадилар. Иқтисодий адабиётларда “лойиҳа” ва “инвестиция лойиҳаси” тушунчалари мавжуд бўлиб, уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари бор ва буни билиб олиш ҳар бир тадбиркор ва иқтисодчи учун фойдадан ҳоли эмас.

“Инвестиция лойиҳаси деганда фойда олиш мақсадида қўйилган инвестициядан фойдаланиш режасининг (стратегиясининг) асосли равища ишлаб чиқилиши тушунилади”⁹.

Инвестиция лойиҳаси икки хил мазмунда талқин қилинади:

1. Муайян мақсадларга эришишни таъминловчи қандайдир фаолиятлар йигиндисини амалга оширишни назарда тутувчи иш, фаолият, тадбир

⁶ Ковалевская Н.Ю. Управление инвестиционными проектами. Учеб. пос. – Иркутск: БГУ. – 112 с.


⁷ Инвестиции и инвестиционная деятельность организаций: учебное пособие / Т.К.Руткаускас [и др.]; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. Т.К.Руткаускас. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2019. – С. 114.

⁸ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Т.: “ЎМЕ” Давлат илмий нашриёти, 2001. 2-том. – Б. 185-186.

⁹ Пардаев М. Қ., Холиқулов А.Н., Жумаева Г.. Инвестицион лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2019. - 234 бет.

сифатида тушунилади. Бундай ҳолларда “хўжалик тадбири”, “иш”, “лойиҳа” терминлари ушбу тушунчаларга мазмунан яқин келади.

2.



1.1-расм. Инвестиция лойиҳасининг умумий таснифи¹⁰

¹⁰ Мазур И.И. и др. Управлениями проектами: Учебное пособие. 4-е изд. – М.: «Омега-Л», 2007. – 664 с.; Черняк В.З. Управление инвестиционным проектом в строительстве. – М.: «Русская Деловая Литература», 2007. – 800 с. иқтисодий адабиётларидан фойдаланган ҳолда магистрант томонидан тузилди.

2. Қандайдир фаолиятларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий-бошқарув ва молиявий-хисоб ҳужжатлари тизими ёки бундай фаолиятлар тизимини баён этувчи ҳужжатлар тўплами сифатида қаралади.

“Лойиҳа” тушунчаси юқоридаги биринчи мазмун бўйича тушунилади. “Инвестиция лойиҳаси” тушунчаси иккинчи мазмунни касб этади”¹¹. Буларнинг бир-биридан фарқини изоҳлаш учун куйидаги мисолни келтириш ўринлидир: масалан, давлат автомобил йўлларида транспорт ҳаракати қулайлигини таъминлаш мақсадида асосий йўллар тутушган жойда катта кўприк ёки дарёнинг икки томонини туташтирувчи кўприк қурилишини амалга оширди. Бунда мазкур кўприкни қуришнинг умумий лойиҳаси юқорида келтирилган биринчи мазмунга хос бўлиб, уни ишлаб чиқиш ва ҳужжатлаштириш жараёнлари алоҳида ва ўзига хос мураккаб фаолият, тадбирлар йиғиндиси ҳисобланади. Мазкур кўприк қурилишини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар, жумладан, маблағларни жалб этиш, улар манбасини аниқлаш, хом ашё ва материалларни этказиб бериш, қурилишни амалга ошириш каби томонлар билан тузилган шартномалар, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, асослаш ва тасдиқлаш ва обектни қуриб топширишгача бўлган фаолият билан боғлиқ ҳаракат ва харажатларни ўзида мужассам этган фаолият тизими инвестиция лойиҳаси мазмунини ифода этади. “Жаҳон банкининг Иқтисодий ривожланиш институти мутахассислари томонидан аниқланишича, лойиҳа: биринчидан, мақсадли фаолиятни; иккинчидан, фойда унинг харажатларидан ҳар доим ортиқ бўлишини; учинчидан, у вақт ва ресурсларда қатъий чекланганлигини англаради”¹².

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

¹ <https://yuz.uz/news>

¹ <https://invest.gov.uz/uz/mediacenter/news/priority-tasks-of-investment-activity-and-strategic-development-were-discussed/>

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Марказий банки маълумотлари асосида магистрант томонидан ишлаб чиқилган.

¹ Пардаев М. Қ., Холиқулов А.Н., Жумаева Г.. Инвестицион лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2019. - 234 бет.

Инвестиции и инвестиционная деятельность организаций: учебное пособие / Т.К.Руткаускас [и др.]; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. Т.К.Руткаускас. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2019. – С. 89-95.

¹ Ковалевская Н.Ю. Управление инвестиционными проектами. Учеб. пос. – Иркутск: БГУ. – 112 с.

¹¹ Mamatov B.S. va boshq. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. – T.: Iqtisod-moliya, 2014. – 600 b.

¹² Инвестиции и инвестиционная деятельность организаций: учебное пособие / Т.К.Руткаускас [и др.]; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. Т.К.Руткаускас. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2019. – С. 158.